



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (14.006)

Баҳоси эркин нарҳда

ЧОРВАЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь кун чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожда ушбу тармоқларнинг муҳим эканлиги инobatга олиниб, кейинги икки йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, "Ўзбекчорва-насл", Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликларни ташкил этилди. Йиғилишда чорвачилик тармоғида бажариладиган ишлар ва келгусидаги режалар муҳокама этилди. 2019 йилда "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида чорвачиликни ривожлантириш учун 1 триллион 603 миллиард сўм, паррандачиликка 332 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижанда майда шохли чорва сони 550 минг бошга, парранда сони 6 миллион 130 мингга кўпайди.

Йиғилишда аҳолини арзон гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилинган ишлар етарли эмас, деб баҳоланди. Чорвачилик тармоғининг долзарб муаммоси ҳисобланган узлуксиз озук-кам таъминотини йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди. Бугунги кунда чорвачиликда озукга бўлган эҳтиёж фақатгина 30-35 фоизга қондирилди. Хусусан, паррандачиликда озукнинг 85 фоизи импорт ҳисобига таъминланган.

Корақалпоғистоннинг Тахтақўлпир, Қўнғирот, Кегейли ва Мўйноқ туманларида 1 миллион гектар пичанзор ва яйлор ерларида 182 минг бош чорва моллари боқишга мўлжалланган 486 лойиҳа ишлаб чиқилди. Мутасаддиларга 2019-2021 йилларда 300-500 бош чорва боқишга мўлжалланган 270 бўрдоқчилик комплекси ва 260 сутчилик корхонасини ташкил этиш ишларини жаддалаштириш топширилди.

Чорвачилик соҳасида маҳсулдорликка эришиш учун, аввало, наслчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Йиғилишда Молия вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳароратини таъбирлар асосида наслчиликни ривожлантириш ва маҳсулот нархини пасайтириш учун харажатнинг бир қисмини субсидиялаш механизмни ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди. Боғдорчилик соҳасига доир масалалар ҳам кун тартибига қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойида мева-сабзавот экспорти қарийб 1 миллиард АҚШ долларида өтди. Бўш ерлардан унумли фойдаланиш, талаб юқори бўлган экин навларини етиштириш натижасида келгусида ушбу кўрсаткич янада ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Президентимиз бунора амалга оширилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслигини таъкидлади. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Тошкент туманларида мавжуд боғларнинг 912 гектари ёки 20 фоизи, тоқорларнинг 164 гектари ёки 13 фоизи эски ва самарасизлиги аниқланган. Бундан ташқари, фойдаланилмаётган 1400 гектар лалми, шунингдек, ғалла экилаётган 4040 гектар ерлар мавжуд. Ушбу

туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи 19 корхона 50 фоиз қувватда ишламоқда. Шу боис, мева-сабзавотга ихтисослашган барча 55 туманда боғдорчилик соҳасида мутлақо янги тизим жорий қилинади. Унга қўра, хориж бозорларида ўз товар белгисига эга бўлган экспортчилар ҳамда қайта ишлаш корхоналари иштирокчида ушбу туманларда кооперациялар ташкил этилади. Ҳар бир туманда экинларни жойлаштириш кооперациялар тақлифи бўйича амалга оширилади, улар боғ ва тоқорларга кўчатларни етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш юзасида кўмаклашади. Шунингдек, боғдорчиликка ихтисослаштирилган ҳар бир туманда арготехник тадбирларни тўғри амалга ошириш учун ўқув марказларини очиш вазифаси қўйилди.

Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига янги тизимни жорий этиш, кооперацияларни молиявий таъминлаш юзасида аниқ амалий тақлифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг пировард мақсади мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмининг йилга 5 миллиард долларга етказишдан иборат.

Муҳокама қилинган масалалар юзасида мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА



Пойтахтимизда "Аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳалла институтининг роли: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

МАКТАБЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАН 320 ТАСИ БОШҚА БИНОГА КЎЧИРИЛДИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Юксалиш" умуммиллий харақати ва халқаро ташкилотлар, хориж мамлакатларининг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Тадбирда маҳалла институти, унинг фаолияти, ютуқлари ва муаммолари ҳусусида сўз борди.

Дунёда мўқобили бўлмаган ушбу ноёб тузилма миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар сайқалланадиган ошён, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ўзаро ишонч, бағри-кенглик каби эзуликлар бешиги, маънавият маскани саналган ма-

ҳалла аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмадир.

Бирламчи ҳудудий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маданий ўзини ўзи бошқарув тизими бўлган маҳалла фуқаролик жамиятининг энг муҳим ва миллий демократик институтларидан бири ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини маҳалла институти орқали аниқ манзилли ижтимоий химоя қилиш, оилаларда маънавий муҳитни барқарорлаштириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни фойдаланиш ва ҳалқчилликнинг самарали тизими ҳаёт синовидан ўтди. Чунки маҳалла ким қандай шароитда яшайти, ким моддий ва маънавий ёрдамга муҳтожлиги, ишсизлар, низоли оилалар, аҳолини қийнаётган муаммоларни яхши билади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институти янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида"ги Фармони маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, фаолиятини самарали йўлга қўйиш, моддий-техник базани мустаҳкамлашда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Республика кенгаши нодавлат но-тижорат ташкилотдир. Унинг мақсади - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институти аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар ҳуқуқларини химоялаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Айни кунда республика бўйича жами 9 минг 116 фуқаролар йиғини мавжуд. Шундан 26 таси шаҳарча, 101 таси қишлоқ, 162 таси овул ҳамда 8 минг 827 таси маҳалла фуқаролар йиғинини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН - БРИТАНИЯ ТАЪЛИМ ҲАФТАЛИГИ: ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон - Британия таълим ҳафталиги" бошланди. Ҳафталик мамлакатимиздаги Британия кенгаши ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Эл-юрт умиди" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур ҳафталикни ўтказиш мақсад таълим соҳасидаги етакчи мутахассислар, педагоглар, ёш кадрларни бирлаштириш, малака оширишга кўмаклашишдан иборатдир. Ҳафталик "Ўзбекистонда умуммиллий таълим имкониятлари" мавзусидаги давра сўхбати билан бошланди. Унда олий таълимдаги миллий ва халқаро тенденциялар, имкониятлар, илгор ўқув муассасалари фаолияти билан таништириш, 2030 йилгача таълимни ривожлантириш стратегияси ҳусусида маълумотлар берилди. Шунингдек, инглиз тилини ўрганиш, таълимни ислох қилиш ва баҳолаш бўйича ишлар самараси ва нуфузли ОТМлар билан ҳамкорлик ўрнатилиш юзасида фикр алмашилди.

Тури фаюларни инглиз тилида ўқитиш (EMI лойиҳаси доирасида) бўйича тренерлар тайёрлаш миллий дастури Британия кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўшма ташаббуси бўлиб, унда кўплаб фаюларни инглиз тилида ўқитаётган 8 вилоятдан 16 олий таълим муассасаси ўқитувчилари иштирок этиши режалаштирилган. Фаюларнинг инглиз тилида ўқитишнинг асосий тамойиллари ва ёндашувларини ўрганиш ҳолда, юрти-ми таълим муассасалари учун стратегия яратиш устида ишлайди. Мазкур дастур Британиянинг нуфузли Норидж тил таълимни институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда.

Давра сўхбатида умуммиллий таълим учун асосий бозор имкониятлари ва муаммоларни муҳокама қилиш, таълим секторларида соҳадаги илгор тажрибалар алмашинуви, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, таълимнинг турли шакллари молиялаштириш масалалари ҳусусида сўз борди.

Ҳафталик доирасида "Study UK 2019 Uzbekistan" кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Бу Буюк Британиянинг 8 университетини бирлаштирган ҳолда Ўзбекистонда ўтказилаётган Буюк Британия таълим кўргазмасидир. Кўргазманинг мақсади талабалар, таълим соҳаси мутахассисларининг билимларини бойитиш, кўпроқ маълумот беришидир. Британия таълим муассасалари вакиллари бакалавр, магистратура ва докторантура дастурида, масофавий таълим имкониятлари, стипендиялар, тури му-тахассисликлар бўйича малака ошириш курсларини тақдим этиди.

Ҳафталик доирасида "Олий таълимда инглиз тилининг роли ва битирувчиларнинг ишга жойлашининг таъбири" мавзусида ўтказилган конференция Британия Кенгашининг жорий йилда ишга туширилган янги "Олий таълим ва иш билан таъминлаш" минтақавий дастурининг бир қисmidир. Ушбу лойиҳа Жанубий Кавказда (Арманистон, Озарбайжон, Грузия), Марказий Осиё минтақасида (Қозоғистон, Ўзбекистон), Украина ва Туркия мамлакатларида муваффақиятли амалга оширилган.

Анжуман учта стратегик муҳим форумнинг биринчиси бўлиб, халқаро миқёсда ўсиб бораётган эҳтиёжга жавобан олий ўқув юрларининг имкониятларини қандай оширишимиз мумкинлигини ўрганишга қаратилган. У глобал билимлар иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этиб, ўқитувчилар, талабалар ва ходимларнинг инглиз тилини ривожлантириш орқали чегаралардан тадқиқотлар соҳасида ҳамкорликка ундайди.

Бундан ташқари, конференцияда инглиз тилини минтақадаги ва халқаро миқёсда туташган ўрни таҳлил этилди. Университет даражасидаги муаммоларни халқ қилишга ёрдам бериш, юқори даражадаги билимларни тақдим этишда мавжуд бўлган бушликларни тўлдирish учун қандай восита сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва бошқа мавзулар ҳақида сўз борди. Таълим муассасалари, иш бериувчиларнинг талаблари ҳамда битирувчиларнинг иш билан таъминланиши, даромад олиш потенциалининг ошиши ҳусусида тақлиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисобига бағишланди.

ҚУРИЛИШ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН МУҲИМ

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Исмоилов ушбу қарорда кўрсатиб ўтилган вазифаларга асосан тармоқни янада ривожлантириш, мамлакатимизда рақобатбардош қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш сурьатларини таъминлашга асосий эътибор қаратилаётгани ва бу харақатлар ўзининг амалий натижаларини бераётганини фактлар асосида таҳлил қилиб берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият қўрсатади. Утган йилларда 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугун эса уларнинг сони 180 тадан ошган. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилган керамик плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, гулқоғоз, линолеум, куруқ қурилиш аралашмалари, пишган гишт, пардозбоп тошлар, оҳақ, полипропилен кувулар, фитинглар сингари қурилиш материалларига

Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Афғонистон бозорларида талаб ортиб бормоқда.

Бундай натижаларни рақамларда кўрсатадиган бўлса, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 3,5 триллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сурьати 106,9 фоизни ташкил этди, - деди уюшманинг иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси бошлиғи ўткир Турдиев. - Бунда ўсиш сурьати асосий турдаги қурилиш материаллари ҳисобланган - цемент ишлаб чиқариш бўйича 108,2 фоизни, керамик плитка бўйича 150 фоизни, гипс-картон бўйича 137,1 фоизни, гулқоғоз (обой) бўйича 6,1 мартали ташкил этганини алоҳида таъкидламоқ зарур.

(Давоми 2-бетда)

ОНА ТИЛИМИЗ ЖОН ҚАДАР АЗИЗ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида "Тилни асраган элини асрайди" номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари, ёзувчи-шорлар, таниқли актёрлар, ҳарбийлар иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Жонузюк, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанларвар" ташкило-тий марказий кенгаши раиси ўринбосари ва бошқалар халқимиз сийратини кўрсатиб турувчи ўзбек тили ҳақида фикр билдирди.

Тил байрамимиз яқинлашиши билан турли шорлар остида тадбирлар ўтказилади. Бунда тадбирларни номлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тил - миллат руҳи, десак тўғрироқ бўлади. "Браво", "Импульс", "Манго", "Элдидо" маъносиз ва хорижий тилдаги ўзбек қўшиқчи ва кизикчиларнинг гуруҳ номлари бор. Наҳот 80 мингдан ортиқ сўзи бор изоҳли луғатимизда шу жамоаларга қўйишга арзигulik ном бўлмаса. Аслида, тилга ҳурмат мана шундай оддий нарсалардан бошланади, - деди адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддинов.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳарбийлар ватанини асраши билан бир қаторда тил, миллат ва халқ шайнини ҳам химоя қиладди. Сафда айтилаётган ўзбекча қўшиқлар, ҳарбийларнинг шу юрт учун қиладиган Ватанга қасамёдидаги ҳар бир ўзбекча жарангдор сўз уларга янада куч, илҳом бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус авария тиклаш бошқармасига қарашли ҳарбий ансамблининг қў-қўшиқлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Д.МАМАТОВА



● Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот марказининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлимида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари билан давра сўхбати тақдим этилди. Тадбирда "Сиз депутатни танийсизми, мамлакатимизда нечта сиёсий партия бор?" мавзусида видеосўров намойиш этилди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

● Наманган вилоятида ногиронлиги бор, пенсия ёшидаги фуқароларнинг мuddати ўтган фуқаролик паспортлари сайёр давлат хизматлари орқали алмаштириб берилаётгани эса айни пайтда қўлланмаётган эзгу ишлардан биридир. Наманган шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан кўрсатилаётган мазкур хизмат тури Наманган вилояти ички ишлар органлари Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

● Термиз шаҳридаги "Афрўз" тантаналар саройида 15 октябрь - Халқаро қишлоқ аёллари куну муносабати билан "Қишлоқ аёлга эҳтиром" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда бир гуруҳ қишлоқ аёллари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан бошлан-

ган "Ҳуқуқий билимлар куну" акцияси Сирдарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда. Акция доирасидаги тадбирларда акция вилоят адлия бошқармаси томонидан Сайхунобод туманидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилди. Давлат хизматлари агентлиги, Адвокатлар палатаси ва Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари, вилоят пенсия жамғармаси, боғхона, солиқ бошқармалари мутахассислари иштирок этган тадбирда аҳолининг соҳага доир саволларига атраплича жавоб берилди.



● Янги авлоддаги зарбдор учувчисиз парвоз қурилмаси "Акиси"ни яратиш лойиҳаси Украинанинг "Укрспецэкспорт" ва Туркиянинг Ваукаг Savulma компаниялари томонидан ташкил этилган кўшма корхонанинг

илк лойиҳаларидан бири бўлади. Бу ҳақда "Укроборонпром" концерни матбуот хизмати хабар қилди. Концерн бош директори Павел Букиннинг таъкидлашича, янги дрон XXI аср стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилади. Парвоз қурилмасининг асосий устунликлари билан бир ҳарбий самолётлар қўлайидиган ўқ-дорилар билан зарба бериш имконияти бўлади. Акиси 12 км.гача баландаликка кўтарилиб, ҳавода 24 соатгача қолиши мумкин бўлган оғир дронлар турига тегишли бўлиб, у бир тоннадан кўпроқ юкни кўтара олади.

● Японияда халқаро технологик кўргазма ўз ишини бошлади. Унда кунчиқар мамлакатининг 800, хорижийнинг 250 та етакчи компаниялари ўзларининг робототехника бўйича энг сўнгги ишланмаларини намойиш этмоқда. Мутахассислар кўргазмага жами 160 минг мухлис ва мутахассиснинг ташриф буюриши кўзда тутилмоқда.

ЎЗА

ТАРИХИЙ МАВЗУНИНГ ИННОВАЦИОН ТАЛҚИНИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва "Hologram World" театри билан ҳамкорликда Ёшлар ижод саройида Марказий Осиёда илк бор "Амир Темур" номли голограмма спектаклининг тақдими бўлиб ўтди.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш мақсадида бешта муҳим ташаббус илгари сурилди. Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларида қизиқлигини ошириш ҳамда истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган.

Мазкур ташаббусни амалиётга жорий этиш мақсадида янги технологиялар асосида буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур ҳақида режиссёр Санжар Матқаримов томонидан голограммага асосланган тарихий спектакль саҳналаштирилди. Амир Темур ролини иқтидорли актёр Раҳимжон Дўсанов, Бибинони ролини Ўзбекистонда хизмат қўрган артист Раъно Шодиевалар маҳорат билан ижро этган.

"Амир Темур" номли голограмма спектакли намойишидаги қўшимча эффе́ктлар театр маърузини томошабинга етказишда чексиз имкониятларни очиб беради. Юқори технологиялар замида яшайётган ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда замонавий технологик ёндашув асосига қўрилган голограмма театрларининг аҳамияти ва таъсири катта.

"Амир Темур" голограмма спектакли ўзида янги медиа имкониятларни жамлагани билан ёшлар онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳамда буюк маданий тарихимизга бўлган қизиқлигини оширишга хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки, голограмма театри мультимедиа намойишлари ва анъанавий спектаклларнинг ҳамойонлиги ҳисобланади, театр спектакллари намойишида чексиз имкониятларни очиб беради. Голографик дисплей-объектнинг виртуал уч ўлчовли тасвири яратилиш учун ёруғлик тарқалишидан фойдаланган дисплей тури саналади. Голографик дисплейлар 3D тасвирининг бошқа шаклларида ажралиб туради. Ҳақиқат, улар тасвири кўриш учун ҳеч қандай махсус кўзойнак ёки таъки жиҳозлардан фойдаланишни талаб қилмайди. Голографик намойишлар АҚШ, Германия, Жапония, Хитой ва Хитой каби давлатларда муваффақият билан ўтказилмоқда.

Аваллига кўрғазмалар, конференциялар ва бошқа махсус тадбирларда фойдаланилган голограмма намойишлари эндиликда бутун дунёда театр санъати сифатида ривожлана бошлаганди. "Hologram World" голограмма театри Марказий Осиёда биринчилар қаторида Ўзбекистонда ташкил этилди. "Hologram World" голограммани яратувчи илгор технологиялар Германия, Япония ва Хитойдан олиб келинди.

Н.УСМОНОВА

"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази илк мартаба "Ўзбекистон – Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар тадбиркорлар наздида" мавзусида ижтимоий тадқиқот ўтказди. Олинган маълумотлар ҳамкорликнинг салоҳиятини ҳолис ва ҳар томонлама баҳолаш, мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликни таъминлаш омилларини ўрганиш, шунингдек, савдо ва иқтисодий соҳасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Сўров ақсарият ўзбекистонлик тадбиркорлар (84,5 фоиз) давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни юксалтириш, кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, Россия Федерацияси билан савдо ҳажминини ошириш, худудлараро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ҳамкорликда турли соҳалар бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган савдо-иқтисодий кўламли тадбиркорларнинг иқтисодий фикрича, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамлаши билан боғлиқ ижобий тенденция кузатилади. Бу мунтазам ва самарали мулоқотлар натижаси бўлиб, пировардида давлат раҳбарлари таърифлари чоғида эришилган келишувлар, қўша истикболли инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

37,3 фоиз тадбиркорларимиз фаолияти Россия Федерациясидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликка асосланган. 76,5 фоиз сўров қатнашчиларининг фикрича, Ўзбекистон биринчи бўлиб россиялик тадбиркорлар билан иқтисодий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш ташаббуси билан чиқди. Иштирокчиларнинг ўндан бир қисми эса уларнинг шароитида Россия томони икки томонлама алоқалар ўрнатилиш ташаббускорни бўлган.

Иштирокчиларнинг учдан бир қисми умуман, ишлаб чиқариш соҳасида, ҳам туртинчиси – ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилишни билдирган. 23,1 фоиз тадбиркорлар сайёҳлик хизматлари қўрсатишга қизиқиб келинган. Шаҳарда истикомат қиладиган қарийб 15 фоиз респондентлар россиялик шериклар билан ҳамкорлик қилишда асосий соҳалар сифатида савдо ва қурилиш соҳаларини қайд этган. Сўров иштирокчилари ахборот-коммуникация тармоғи, таълим, илм-фан, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларини ҳамкорликнинг истикболли йўналишидан деб ҳисоблайди.

Ақсарият тадбиркорларнинг фикрича, ушбу ҳамкорлик самарасида жорий йилда қўша турли қўша илм, махсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, ўз имбиларни яхшилаш ва истеъмолчилар ишончини қозониш, шунингдек, ушбу соҳаларни модернизация қилиш, техник таъминотни реконструкция қилишга эришилади.

Сўров шуни қўрсатдики, кўпчилик респондентлар (64,1 фоиз) сўнгги ўн икки ой мобайнида асосий капитал – ишлаб чиқариш кенгайтириш, таълим ва кадрлар маъмулини ошириш, замонавий усулларни харид қилиш, янги технологияларни ўрганиш бўйича инвестиция қилган. Сўровда иштирок этганларнинг учдан бир қисми эса мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳам ушбу тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга олиб келишни маълум қилган.

Сўров натижалари таҳлили шуни қўрсатдики, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида тадбиркорликни ривожлан-

тириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилган. Айни пайтда 28,3 фоиз респондентлар сармоядорлар учун ўз худудларини жозибдорлигини юқори даражада, 60,6 фоиз сўров иштирокчилари улар яшайдиган худудларнинг инвестициявий салоҳиятини ўрта даражада деб ҳисоблайди.

Тадқиқот қатнашчилари қишлоқ хўжалиги, айниқса, мева-сабазавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қўрақўлчилик ва қўчилик йўналишларини сармоя қириштириш учун энг жозибдор йўналишлардан деб билишди.

тузилмаларини яратиш билан боғлиқ қўшимча инвестиция харажатларини чиқариб ташлаш, базавий табиий монополия хизматлари қўрсатувчиларга нисбатан қатъий анти-монополь сие́сатни юритиш муҳимлигини билдирган.

Сўровнинг ҳар учинчи қатнашчиси устувор тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараҳида инвестициявий фоолиқни рағбатлантиришда технопарклар, бизнес-инкубаторлар, эркин иқтисодий зоналар, кўп функцияли марказлар шаклидаги иxtисослашган

Ижтимоий сўров

ТАДБИРКОРЛАР ЎЗБЕКISTON VA POCCEИЯ ЎRTASIDAГИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙДИ?

64,4 фоиз сўров иштирокчилари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги хорижий сармоядорлар учун улкан салоҳиятга эга деб ҳисоблайди. 59,8 фоиз иштирокчилар бизнес учун кенг турдаги йўналишларни тақдим этадиган туризм соҳасини жозибали деб ҳисоблайди. 57,1 фоиз иштирокчилар сармоянинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодийнинг барча тармақларига жорий қилиш, 54,5 фоизи – қурилиш соҳаси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қириштириш муҳим, деган фикрда. Сўровда иштирок этган тадбиркорлар 26,2 фоизининг фикрича, сармоядорларни асосан тўқимачилик саноти ва кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш кўпроқ жалб қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, 42,3 фоиз тадбиркорлар худудларининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш бўйича олиб берилаётган ишлардан қониқад, бироқ инвестицияларни ижтимоий соҳага жалб қилишнинг замонавий, самарали механизмларини жорий қилиш, бошқарув органлари, ташиқлотлар раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

56,4 фоиз сўров қатнашчиларининг фикрича, маълумий тўсиқларни янада фоол равишда бартараф этиш, қўлаб-қувватлаш чораларини тақомиллаштириш, тадбиркорлар ва сармоядорлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа каналларини ривожлантириш зарур. Сўровда қатнашганларнинг 47,6 фоизи маҳаллий бюджетда маблағлар етишмаслиги, инфратузилма ҳолати ва йўллар сифати, банк тузилмалари фаолияти ва интернетнинг қониқарсиз аҳволдалигини инвестицияларни жалб қилиш йўлидаги асосий тўсиқлардан деб билишди. Тадбиркорлар сўров давомида муҳандислик тармоқларидан фойдаланишнинг таъминлаш, етишмайдиган инфра-

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий университетида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этиш бўйича учрашув ўтказилди.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги директор ўринбосари Баҳодр Сағдуллаев, Интеллектуал мулк агентлиги "Интеллектуал мулк консултация маркази" давлат унитар корxonаси директори Мехриддин Мансуров, Интеллектуал мулк агентлиги бўлим бошлиғи Абдуҷалил Уринбоев, Ўзбекистон Миллий университети ректори Аваз Мараҳимов, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Фолибжон Ботиров, "Интеллектуал мулк консултация маркази" давлат унитар корxonаси Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Суннатилла Раҳмонов ҳамда профессор-ўқитувчилар, докторантлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш бўйича фаолият 2017 йил 6 октябрда Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилати ўртасида тузилган "Ўзбекистон Республикасида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш бўйича Меморандум"га, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги "Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"га қароғи мувофиқ амалга ошириб келинмоқда.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетда Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилишидан қўзланган мақсад интеллектуал мулк соҳасига оид конференциялар, ўқув семинар-тренинглари ўтказиш, шунингдек, илмий-методик ҳамда ахборот материалларини тарқатиш орқали жамиятда интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларини ташвиқот қилиш ҳамда омма-лаштириш; ишланмалар муаллифларининг интеллектуал мулк соҳасига оид махсус маълумотлар базалари ва бошқа ахборот ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланишнинг таъминлаш; интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, улардан фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари бўйича маслаҳат бериш; ишланмалар муаллифларининг патент тадқиқотларини ўтказиши, ўз ишланмаларини тижоратлаштиришда патент маълумотларидан фойдаланишни учун зарур қўшимчалар шакллантириш орқали илмий-техник ишланмалар самардорлигини оширишдан иборатдир.

Тадбирда бу ва бошқа масалалар муҳокма қилинди.

Зарина РУСТАМОВА



фоиз), ҳокимликлар ва бошқа ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўрсатиладиган ёрдам йўлиқли (10,9 фоиз) ҳамкорликка салбий таъсир қўрсатувчи омиллар сифатида эътироф этилди.

Тадқиқот шуни қўрсатдики, сўровда иштирок этган 68,3 фоиз тадбиркорлар Ўзбекистон солиқ тизимини ўзида фуқаролар ва давлат маънафатларини тенг даражада мустаҳкамлаштириш, хорижий сармоядорларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга самарали тизим деб баҳолайди. 85,2 фоиз тадбиркорлар уларга хизмат қўрсатадиган банклар фаолиятига ижобий баҳо берган. Айни пайтда 13 фоиз тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун кредит олишда қийинчиликларга дуч келишнинг ҳам маълум қилган. 11,2 фоиз сўров қатнашчилари банклар томонидан хизмат қўрсатиш тарифларининг оширилиши туфайли муаммолар юзга келганини билдирган. Хар ўнинчи сўров иштирокчисига ҳисоб рақамидан, жумладан, хорижий шериклар томонидан қўчирилган нақд пул маблағларини олиш билан боғлиқ муаммолар юзга келган, 9,7 фоиз иштирокчи қорам ҳарид қилишда нақд пул танқислиги муаммосига дуч келган.

Респондентларнинг фикрича, Ўзбекистонда самарали тадбиркорлик фаолияти юритиши ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояланганлигини таъминлайдиган меъриий-ҳуқуқий база яратилган. Шундан бўлсада, тадбиркорлик субъектларининг Савдо-саноат палатаси ҳамда Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлган ишончи нисбатан паст даражада. Тадбиркорлик ҳуқуқлари бузилганида ёки чеклаб қўйилганда 7,1 фоиз тадбиркорлар ва сўровда иштирок этган 2,9 фоиз тадбиркорларнинг ушбу ташиқлотларга мурожаат қилгани ҳам бундан яққол исботдир.

Тадқиқот натижасида шу нарса аниқландики, тадбиркорлар ўз махсулотларини сертификатлаштиришда катта моддий харажатлар, амалдорлар малакеси наслиги ва билми саёлиги, сертификат олиш учун қўлаб ҳужжатларни тақдим қилиш зарурлиги туфайли ушбу таомилнинг мураккаблиги, сертификат олиш учун узок кутмиша тўғри келган.

Сўров давомида 80,1 фоиз тадбиркор сўнгги ўн икки ой давомида уларнинг ташиқлотларига бўлган текширувлар сони қисқаргани, 14,8 фоиз иштирокчилар текширувлар сони олдингидек қолгани, 4 фоизи эса текширувлар сони ошганини қайд этган. Сўров натижаларига кўра, ҳокимликлар хўжалиқ субъектлари фаолиятига энг кўп аралашувчи субъектлар ҳисобланади.

Улар тадбиркорларни нимани ва қандай ишлаб чиқариш, қайси қишлоқ хўжалиғи эканларини қай тарзда етиштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган мақсадлар учун пул маблағлари қўчиришга мажбур қилган.

Умуман олганда, сўров давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилиниши Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада фооллаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар Россия Федерациясининг турли худудларига экспорт қилинишига қўшимча шароитлар яратилиши ҳамда тўғридан-тўғри инвестициялар, илгор технологияларни мамлакатимиз иқтисодийнинг устувор тармоқларига жалб қилинишига хизмат қилаётганини қўрсатди.

"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ҲАЗ муҳбири О.ХАРЧЕНКО таёрлади

МАКТАБЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИДАН 320 ТАСИ БОШҚА БИНОГА КЎЧИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссия ҳамда Тафтиш комиссияси тарихида 869 минг 517 нафар, "Ота-оналар университети", "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари каби жамоатчилик тузилмаларида 262 минг 816 нафар фидойи, ҳаётий таърибга эга фуқаролар, жамоатчилик вакиллари фаолият юритиб келмоқда.

Айни пайтда маҳалаларда баркамол авлодини тарбиялаш, ёшларга замонавий таълим бериш билан бирга, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний қишлоқлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини маърифатий, маънавий тадриждан ишончи химолаш мақсадида "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилган. Ушбу ҳамкорликдан қўзланган мақсад шуки, ўқувчи-ёшларнинг дарсларга қатнашиши ва давомати, уларнинг буюк вақтларида нима билан шуғулланишини назорат қилиш, шунингдек, ёшларнинг бую вақтларини мазмуни ўтказиш, тури фан ва касб-хунар тўғрисидаги, спорт машғулотларига жалб этишдан иборатдир.

Шу билан бирга, ота-оналарнинг баркамол авлодини тарбиялаш йўлидаги билими ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида "Ота-оналар университети" ташкил этилган.

Оилаларни мустаҳкамлаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги Яратиш комиссиясининг ҳам аҳамияти катта. Жорий йилнинг июль-август ойларида маҳалаларда ўтказилган "Мустаҳкам оила" ойлги доирасида Яратиш комиссиялари томонидан 10 минг 103 та (йил бошидан буён 37524 та) оилавий низолағар барҳам берилди.

Қолаверса, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида "Хар бир оила – тадбиркор" дастурининг амалга оширилиши натижасида маҳалаларда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда.

Утган давр мобайнида жиноят содир этилган маҳалла 5 минг 747 тани (63,2 фоиз) ташкил этиб, 2018 йилнинг (3978 та) шу даврга нисбатан жиноят содир этилган маҳаллар 1769 тага ёки 30 фоизга кўпайди. Жиноят сони ошган маҳалалар 1217 тани ташкил этиб, 2018 йил (1501 та) шу даврга нисбатан жиноят ошган маҳалалар сони ижобий томонга, яъни 284 тага ёки 3,3 фоизга камайди.

Президентимизнинг жорий йил 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мақдони тўдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самардорлигини янада оширишда, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантиришда муҳим қадам бўлди. Эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғiston Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашилари ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳодимларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштириш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклан, шунингдек, фуқаролар йиғинлари балансида бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асоссиз равишда олиб қўйиш тақиқланди.

Сир эмас, айрим жойларда фуқаролар йиғинлари фаолиятига маҳаллий ҳокимлик вакилларининг асоссиз аралашуви туфайли кадрлар қўнимчилиги билан боғлиқ ҳолатлар узра турар эди. Фармонда бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, улар фаолиятига қўнунга чиқиб келиши асосида фуқаролар йиғини раислари фаолиятининг қафолатларини юзасида билдирган тақлифлари ҳам тузилманинг аҳоли ҳаётида ўрни ва мақдони оширишга хизмат қилади.

Жорий йилда 580 маҳалла биноси таъмирланди, 154 таси реконструкция қилинди, 285 таси эса янгидан қурилди. 2-3 сменада таълим олиб борилаётган умумтаълим мактабларида жойлашган фуқаролар йиғинлардан 320 таси бошқа биноларга қўчирилиб, уларга мўносиб иш шароитлари яратилди.

Шунингдек, фармон билан фуқаролар йиғинлари раислари ва маъсўл котибларининг ойлик маошлари оширилиб, "Маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла" принципи асосида аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тартиби тасдиқланди. Барча маҳалаларда "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари ташкил этилди. Айни пайтда 9 минг 98 та фуқаролар йиғини ҳузурида "Кексалар маслаҳат" гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги "Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаолигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳар йили мамлакатимизда Халқаро кексалар куни доирасида 1-7 октябрь кунлари республикамизнинг барча худудларида, маҳалла ва қишлоқларда "Кексалар ҳафталиги" ўтказиладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролар ижтимоий ривожлантириш, шу билан бирга, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини ривожлантиришда маҳалла институтини муҳим роль ўйнамоқда.

Анжуман давомида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси, инвестициявий жозибдорлиқни ошириш масалалари, Ўзбекистоннинг туристик жозибдорлиги мавзусидаги маърузалар тингланди. Шунингдек, пойтахтимизнинг Ученла туманидаги Кўча-Октеба, Мирзо Улугбек туманидаги Катта Корасув маҳалалари фаолияти таҳлил қилинди. Иштирокчилар у ердаги шарт-шароитлар ва олиб борилаётган ишлар билан амалий танишиш имкониятига эга бўлди.

Барно МЕЛКУЛОВА

ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАМЛАКАТ ИҚTISODIЁТИ UЧУН МУҲИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарорида қурилиш материаллари экспорти ҳажминини ошириш масаласи қўйилган. Шундан келиб чиқиб, ушбу даврда соҳа бўйича жами 115 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Шу жумладан, ушбу тартибга кўра икки қирғонлар томонидан қурилиш материаллари экспорти 50,2 миллион долларни ташкил этиб, пронозига нисбатан 100,4 фоизга, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 125,4 фоизга ошгани давлатимиз томонидан қурилиш санотида қаратилаётган эътибор самарасидир.

Айтиш жоизки, соҳада маҳаллилаштириш масаласи ҳам асосий вазифа ҳисобланади. Бу борда амалга оширилган ишлар муваффақий, тармок қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилиши маҳаллилаштирилган маҳсулотлар 320,8 миллиард сумни ташкил этган.

Масалан, 2016 йилга нисбатан 2019 йил якунида цемент ишлаб чиқариш қуввати 8,5 миллион тоннадан 15 миллион тоннага етказилди, – деди ушбу мамонинг таълим ва таълим қўшма бўлими Ботир Ҳужабоев. – Йил охиригача мамлакатимизда шу кунгача ишлаб чиқарилмаган газобетон блоклари, обой, керамогранит, қўйма пол, 600 марказли цемент, геосетка, пеноблок, шиша кристаллит, коррозия қўчилиш материаллари ва ДСП ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, жорий йилда 17 инвестиция лойиҳаси бўйича 316,9 миллион доллар миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштириш белгилангани ҳам соҳадаги дадил қадамлардан.

Анжуманда қарорга асосан "Узсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноти илмий-техникавий кенгаши ташкил этилгани ва унинг мақсад-вазифалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихига эгамиз. Лоақал, 2 минг 700 йиллар илгари яратилган буюк “Авесто” китобини эсга олганимизда ҳам маънавиятимиз тарихи kamiда шунча йилга бориб тақалиши аёнлашади. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларини қўшмай, фақат Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”ида келтирилган туркий адабиёт намуналарини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутағу билиғ”ини инобатга олганда ҳам бизда қоғозда муҳрланган kamiда минг йиллик сўз санъати бор.

Лекин халқ аввал тил яратади, кейин адабиёт.
XV асрда теуири Хусайн Бойқоро туркий тилда адабий асарлар ёзиш гоёсини илгари сурди. Узбек шоирларига бу борада озгаки топириқлар берди. Узи ҳам узбекча шеърй девон тўзди. Буюк Алишер Навоий бу олий мақсадини ҳади аълосида амалга оширди.

Собик Иттифокда биз тенги авлод вакиллари бевоисита гувоҳ бўлган сўнгги йиллари, аниқроғи, 1989 йилгача бўлган даврда Узбекистонга раҳбар бўлганларнинг деярли барча чиқиси, Узбекистон Коммунистик партияси ва республика ҳукуматининг аскар ҳужжатлари аввал рус тилида тайёрланиб, сўнг оммавий ахборот воситалари учунгина узбек тилига ўғириларди.

Узбекистон Фанлар академияси Раёсати мажлислар залининг забони бўлса, айтсин, 1984 йили узбек тили ва адабиётининг тадқиқ этишга ихтисослашган жаҳондаги ягона ва асосий илмий даргоҳ – Узбекистон Фанлар академиясининг собик Тил ва адабиёт, ҳозирги Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтига орден топириш маросимида ўша пайтдаги республика раҳбари ҳам, Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ҳам, институт директори ҳам, бошқалар ҳам рус тилида сўзлаган эди. Лоақал, номигагина бўлса ҳам, бирор киши узбекча чиқиш қилмаган.

1976-1991 йилларда узбек тилида диссертация ёзиб, ёқлаш ман этилганди. Узбек тили ва адабиёти тадқиқига бағишланган диссертациялари ҳам рус тилида ёзиб, рус тилида ёқлашга мажбур эдик. Ушбу сатрлар муаллифи 1985 йили Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ диссертациясини ҳам рус тилида ёқлаган. Ҳолбуки, ихтисослашган илмий кенгаш аъзоларининг ақсарияти узбек, унга аъзо бўлган биргина Нинель Васильевна Владимировани айтадиган бўлсак, у киши узбек тилини унча-мунча ўзбекдан яхшироқ билар, адибларимизнинг кўпалаб асарларини илмий таҳлил қилган олима ва русчага ўғирган моҳир таржумон ҳам эди.

Марҳум Шароф Рашидов – шундай узбек ёзувчиси ҳам бир йилда фақат бир бор, яъни қиш ойларида Тошкентдаги Санбат саройида ўтадиган қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари курултойидагина узбекча чиқиш қилар эди, холос.

Гарчи шўро замонида узбек тилида сийсий рўхдаги жилд-жилд китоблар, минг-минг ҳужжатлар чоп этилган бўлса-да, булар асосан русчадан таржималар эди, холос. Аниқ ҳақиқат шунки, фақат таржима орқалигина бирон-бир халқ тарихида чинакам сийсий тил пайдо бўлмаган, пайдо бўлмағи ҳам. Боз устига, давлат тили мақомига эга бўлмаган бирон-бир тил ҳеч қачон рустамақига сийсий тилга айлана олмаслиғи икки қарра икки – тўрт, дегандек муқаррар гап.

Шўро даврининг сўнгги, аниқроғи, М.С.Горбачёв раҳбарлик қилган 1985-1991 йиллари тарихга “қайта қилиш даври” номи билан кирган. Юзага қаран орқали шариоити шарофати билан Иттифокдаги республикаларда аҳолининг асосий қисминини ташкил этган миллат тилини давлат тили, деб эълон қилиш гоёси илгари сурилди. Миллий зиёлилар шу масалани кўтариб чиқа бошладди.

Албатта, ҳуқрон сийсат бунга тиш-тирноғи билан қарши бўлди. Икки ўртада кес-

кин баҳслар бошланиб кетди. Баҳс-мунозаралар оммавий ахборот воситаларида, йилгишларда давом этди. Узбекистонимиз ҳам бу жараёнлардан четда қолмади.

Давлат сийсати тарафдорлари дастлаб масалани: “Узбекистонда рус тили давлат тили бўлиши лозим ва шарт!” тарзида қўйиб, кетма-кет чиқишлар қилди. Бу давлат сийсати тарафдорларининг биринчи позицияси эди.

Ҳатто, бир академикимиз уялмай-нетмай: “Мана, мен рус тилини билганим учун академик бўлдим, акам айнан рус тилини билмагани учун қишлоқ мактабиди оддий ўқитувчи бўлиб юрибди”, дедилар. Шунда устозимиз, атоқли таржимашунос, Узбекистон Республикаси фан арбоби Ғайбулла Саломов бир сўхбатда: “Ие, қачондан буён “қишлоқда оддий ўқитувчи” сифатида ишлаш ор саналадиган бўлиб қолди?!” Ёки рус тилини билганининг ўзи кишини академик қилиб қўяр эканми?! Бир кишининг академик бўлиши учун республикада аҳолисининг 75 фоизини ташкил этадиган миллатнинг тили давлат тили бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадими?!” деган эдилар куйиниб, ҳатто, ғазабланиб.

саҳифаларини яна бир қарра эсга олиш имконини беради.

Яна бир нарсани очик-ойдин тан олишимиз керак. Агар узбек тилига давлат тили мақоми берилган бўлса-ю, аммо республика ўз миллий мустақиллиғига эришмаганда давлат тилининг давлат тили бўлиши омонатлиғича қолаверар эди. Чунки давлат тили чинакам давлат тили бўлиши учун бу тилда давлат сийсати олиб борилиши керак-да. Шунинг учун она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан буён ўтган 30 йилни икки даврга бўламиз. Биринчиси – давлат тилининг 1989 йилнинг 21 октябрдан 1991 йилнинг 31 августигача амал қилган даври. Иккинчиси – давлат тилининг мустақиллик йилларидаги амал қилган даври.

Мустақилликка эришганимизнинг иккинчи йилида Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Унинг 4-моддасида қуйидаги икки муҳим позиция илгари сурилди:

“Узбекистон Республикасининг давлат тили узбек тилидир.
Узбекистон Республикаси ўз худудиди и-

Она тилим – олтин сандиғим

ТИЛНИНГ ДИЛИ

Кураш тўхтамади. Миллий зиёлилар узбек тилига давлат тили мақомини бериш гоёсидан асло қайтмади. Заррача чекимда ҳам. Давлат сийсати тарафдорлари эса позициясини бир оз ўзгартирди. Энди: “Хўп, майли, Узбекистонда ҳам рус тили, ҳам узбек тили давлат тили бўлсин!” деб чиқишди. Бу иккинчи позиция эди.

Давлат сийсати тарафдорлари учинчи позицияга ўтди: “Хўп, майли, бизда узбек тили давлат тили, рус тили эса миллатлараро алоқа воситаси деб эълон қилинсин!” дейишди.

Ана шундай баҳс-мунозаралар айни авж олиб турган мураккаб бир вазиятда, яъни 1989 йилнинг 23 июнида Ислоом Абдуғаневич Каримов Узбекистонга раҳбар этиб тайинланди. Тез орада республика раҳбариятининг янги, яъни тўртинчи позицияси илгари сурилди. Бу – “Узбекистонда узбек тилига давлат тили мақоми берилиши керак!” деган гоё эди.

Демак, бу баҳса миллий зиёлилар илгари сурган асосий гоёи гоили келган эди. Шундан узбек тилининг давлат тилига айланиши жараёни ниҳоят даражада жадаллашиб кетди.

1989 йилнинг 21 октябрда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонун амалда республиканинг мустақиллиғи йўлида ташланган биринчи дадил ва қатъий қадам эди. Илғор зиёлилар кўнгида: “Узбек тилига давлат тили мақоми бериладими, бас, эртанимизнинг, Узбекистон, албатта, мустақил давлатга айланади!” деган илмнж пайдо бўлди. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрда қабул қилнган узбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиғини нишонлашга бағишланган қарори бизга яқин тарихимизнинг ана шу

тикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шариоит яратади”.

Бу чинакам демократик позиция ҳисобланади. Чунки Узбекистон – кўп миллатли мамлакат. Унда 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари яшайди.

2005 йилнинг майида Эрон Ислоом Республикасининг пойтахти Тегрон шаҳридаги бир илмий анжуманда Узбекистонимизда 7 тилда, яъни узбек, қоракалпоқ, тожик, рус, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида мактаб ишлари олиб борилаётгани ҳақида сўзлашга тўғри келди. Сезиб қолдимки, аудиторияда пичир-пичир бошланди. Эронлик иштирокчилар бу маълумотни ўзаро муҳокама қила бошлашди. Афтидан, улар икки гуруҳга ажради. Бу маълумотнинг ошқор қилиниши форсийзабон эронликларга ёқмади, туркийзабон эронликларга эса маъқул келди. Чунки Эронда озарбайжонлар сон жиҳатидан иккинчи миллат ҳисобланади. Маълумотларга қўра, бу мамлакатда уларнинг сонни 25 миллионга етади. Аммо Эронда озарбайжон тилида таълим берадиган бирорта ҳам мактаб йўқ. Худди шундай, қурдлар Туркия Республикасида, микдорига қўра, иккинчи миллат ҳисобланади, лекин бу мамлакатда қурд тилида таълим берадиган бирорта ҳам мактаб топилмади.

Мамлакатимизда Конституцияимизнинг 4-моддасига қатъий амал қилинаётганини ҳаммамиз яқши биламиз.

Биринчидан, Узбекистонимизда давлат тили таълим 7 тилда олиб борилаётган барча мактабларда ўқитиллади. Узбек мактабларида она тили, қоракалпоқ, тожик, қозоқ, рус, қирғиз ва туркман мактабларида эса давлат тили сифатида ўргатилади. Иккинчи-

дан, бир нозик ва муҳим нуқтага диққат қилайлик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олти тилга – араб, инглиз, испан, рус, француз ва хитой тилларига халқаро тил мақомини берган. Мамлакатимиздаги 7 тилда таълим олиб борилаётган мактабларнинг ҳаммасида шу 6 тилдан бири бўлган рус тили ўқитилади. Рус мактабларида она тили, узбек қоракалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман мактабларида халқаро тил сифатида ўргатилади. Бундан ташқари, 7 тилдаги мактабларнинг барида бир ҳорижий тилдан ҳам таълим берилади.

Шу тариқа узбек ва рус мактабларида 3, қоракалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман мактабларида 4 тадан тил ўқитилади.

Мамлакатимизда булардан бошқа миллатлар вакиллари учун мактабдан ташқари машғуллар орқали ўз миллий тилини ўрганиш учун ҳуқуқий асос яратиб берилган. Мустикалик йилларида узбек тили ҳақиқий сийсат тилига айланди. Шўро даврида узбек сийсий тили таржима тили эди, холос. Чунки собик марказда қабул қилинган барча ҳужжатлар, қилинган маъруза ва чиқишлар, сийсий аҳамиятга эга ахборотлар зудлик билан таржима қилинарди. Энди эса давлат тилида сийсат олиб бориляпти. Давлатимиз билан бошқа давлатлар ўртасидаги ҳар қандай ҳужжат уч тилда – бу давлат тилида, у давлат тилида ва бир халқаро тилда имзоланади. Мустикалик йилларида янги узбек дипломатик тили шаклланди ва тақомиллашди.

Мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи ортик боргани сари шунга мутаносиб равишда тилимизга ҳорижликларнинг қизиқиши ҳам кучайиб борапти. АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Қозғистон, Тожикистон ва бошқа кўпала мамлакатларда узбек тили олий таълим муассасасида ўқитилади. Туркия Республикасининг 70 дан ортик олий таълим муассасасида узбек тили ўргатилади. Бу жараён кучайгандан-кучайиб бораверди. Чунки биз билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишни истаётган ҳар қандай давлатга узбек тилини биладиган мутахассислар керак.

Баҳонанда яна бир гапни айтиш зарур. Ҳар қандай тил унинг эгаси бўлган халқнинг маънавий ҳазинаси ҳисобланади. Яъни, миллатнинг бутун борлиғи шу тил бағрида яшириган. Жумладан, маънавий интиҳам. Кимки бизнинг тилимизни ўрганган, у бевоисита миллий маънавиятимизни ҳам ўрганган ҳисобланади. Ахир, салом берса, биздай салом бериши, меҳр қурсатса, биздай меҳр қурсатиши керак-да. Ўз тилида ота-онани туғул, ўз ёшга қирган тобо-бисинини ҳам умрида “сиз” ламаган миллат вакиллари ҳам узбекча сўзлаша бошласа, албатта, катталарга “сиз”лаб мурожаат қилишга мажбур бўлади. Демак, тилимизни дунё ўргана бошладими, амин бўлайлик-ки, биз маънавиятимизни Ер юзига ёйилмас.

Ковун қовундан ранг олади, деган мақолимиз бор. Йиллар ўтар, ана шу муқаддас тилимиз, унинг бағридаги буюк маънавиятимиз дунёга ёйилди. Биз – қадим замонлардан башариятга эиё таратиб келган халқимиз. Бун Ер юзининг ҳар гўшасида баралла айтишимиз, бу билан фақр-ифтихор қилишимиз мумкин.

Узбек тилига давлат тили мақомининг берилиши амалда узбек халқига яна башарият тамадудини ривожига муносиб ҳисса қўиши имконини берганини юракдан ҳис қилишимиз зарур.

Шунча муҳокама-мулохазадан кейин тилда миллатнинг дили яширинганига амин бўлсак керак. Тилнинг дилдан эса узбек маънавияти жой олган.

Султонмурод ОЛИМ, филология фанлари номзоди, Узбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

КОНЦЕПЦИЯ – ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкент давлат юридик университетида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Узбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда концепциянинг мазмун-моҳиятини университет ҳодим ва талабалари орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида тадбир ўтказилди.

“Узбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси – олий таълимни модернизациялашнинг муҳим омил!” мавзусидаги тадбирда Адлия вазирлиғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маъсул ходимлари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Тадбирда университет олдидиги асосий вазифалар – замонавий халқаро талабаларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия жараёнини янги сифат қўрсаткичига олиб чиқиш, илмий салоҳиятни юксалтириш, халқаро муносабатларни муостақамлаш ва талабаларнинг академик алмашинувини ошириши масалалари муҳокама қилинди.

– Концепция ижроси бўйича университетимизнинг “Йул хари-таси” тасдиқланди, – дейди Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири Давлатжон Ҳабибуллаев. – Унга қўра, университетиимизни халқаро эътироф этилган олий таълим муассасалари рўйҳатига киритиш, университетда жорий этилган кредит-модуль тизимини янада тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш сингари масалалар белгилаб олинди. Таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқинга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тараққотларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўиш ҳамда университетнинг тўлиқ академик мустикаллигини таъминлашга эришишимиз лозим.

Фармонда белгиланган яна бир муҳим вазифа – бу олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш, шаффоқликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этишдир. Президентимиз томонидан барча олий таълим муассасаларини таркибга, ҳалол, пок виқдонли маъсулятили профессор-ўқитувчилар билан тўлдиритиш вазифаси қўйилган. Ушбу йўналишда ҳам университетда алоҳида дастур тасдиқланган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш бўйча муроёсасиз ҳаракатлар бошлаб юририлган.

М.ҚОСИМОВА, УзА муҳбири

“ЭЛЕКТРОН ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ СТАТИСТИКА” – ЯГОНА АХБОРОТ ТИЗИМИ

Ушбу тизимда жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисоби юритилади.

Шунингдек, мақzur ягона тизим маълумотларни йўқотиб юбориш, ўзгартириш киритиш, ходимлар томонидан хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш каби ҳолатларга чек қўйди. Юртимизда ҳуқуқбузарлик, қонунбузилиш ҳолатлари, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бунда хамият ҳаётидаги қриминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш масаласи катта аҳамият касб этади.

Бу йўналишдаги ишларни янада тақомиллаштириш зарурати юзага келди. Президентимизнинг 2018 йил 31 октябрда қабул қилинган “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан тақомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони айни шу муаммолар ечимига қаратилди.

Илгари жиноятчилик статистикасини юритиш ва жиноятларни таҳлил қилиш вазифаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот маркази томонидан олиб борилар эди.

Фармон қабул қилинган, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари жақратулариниң ягона ҳисоби Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Аниқроқ айтганда, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими жорий этилди. Унга бинафан, статистик қарточкаларнинг электрон шакллари тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисоби юритилади.

Шунингдек, прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўрта-сида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмасув шакли, жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш йўли билан жорий этилди. Жиноий-ҳуқуқий статистикани юритиш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш жараёнида инсон омилли истисно этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Гап шундаки, Президентимиз фармони қабул қилинганга қадар ушбу вазифалар Ички ишлар вазирлиғи томонидан бажарилиган. Хусусан, вазирлиқнинг худудий бошқармалари ходимлари томонидан статистик маълумотлар юритилган. Бу маълумотларнинг тузилиши, рўйхатга қўйилиши ва тегишли сўровларга ахборот берилиши ҳам худди шу тизим вакиллари томонидан амалга оширилиб келинган.

Ҳозирги кунда ана шу жараёнларда инсон омилли истисно этилди. Бу дегани илгари қўлда тузилган маълумотларни юритиш ва сақлашда хато-камчиликлар, жумладан, маълумотларни йўқотиб

юбориш, ўзгартириш киритиш, ходимлар томонидан хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турган бўлса, эндиликда буларнинг барчасига чек қўйилганини аңглайди. Демак, электрон тарзда тузилган маълумотларни ҳақиқий барқарор ҳолатда сақлаб олишга имконияти яратилди.

Суд амалиётида шахсларга нисбатан жиноий ишларни қўриш жараёнида илгари Ички ишлар вазирлиғи Ахборот маркази берган маълумотларда шахсининг исми-фамилияси, туғулган йили, муқаддам судланганлик ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар ҳар доим ҳам тўғри бўлмаган вазиятлар учраган. Бу эса ишларни тўғри, қонун доирасида, белгиланган муддатда қўриб чиқишда муаммолар ҳолатлар юзага келишига олиб келган.

Бунда, хусусан, тегишли шахс муқаддам судланганлиғи бўйича таинланган жазони ўтаган муассасалардан маълумотномалар сўраб олиш, умуман, ушбу ҳолатни тўла ўрганиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқарилди.

“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими жорий этилгани бу каби муаммоларга барҳам берди.

Эндиликда суд муҳокамаси ҳамда суд қарорлари ижросининг натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи сифатида жалб этилган шахслар бўйича маълумотлар судлар ва суд қарорлари ижросини амалга оширувчи давлат органлари томонидан электрон-статистик қарточкаларни тўлдиритиш йўли билан шакллантирилади.

Ягона ахборот тизимида ахборот алмашинуви мавжуд маълумотларни рўхсатсиз қўришга имкон бермайди. Бу жараёнини химояланган алоқа каналлари орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилган, айниқса, диққатга сазовор.

Шунингдек, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг Теакор-маълумотлар бошқармасига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, очиш ва тергов қилишда фойдаланиш учун текзор маълумотлар ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш вазифаси ҳам юклатилган.

Бунда шахсларнинг худудий ва давлатлараро қидирувга берилиши асносида ички ишлар органларининг архив маълумотлари ва махсус жағмаларидан фойдаланиш таъминланади.

Қолаверса, автотранспорт воситалари, фуқаролик ва хизмат қуроллари, қидирувдаги шахслар ва ашёлар, шунингдек, бошқа маълумотларнинг автоматлаштирилган, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга хизмат қилувчи маълумотлар базаси юритилади.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши ва унинг изчиллик билан ижро этилаётгани соҳадаги ислохотлар самарадорлигини таъминлайди. Шу билан бирга, тизимдаги мавжуд муаммоларга барҳам берилиб, маълумотларнинг ҳақиқийлиғи ва ишончлиғи ортади.

Баҳождир ЮСУПОВ, Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг судьяси

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий бинолар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, ўқув юрталари, даволаш муассасалари, уйлар ва шунга ўхшаб иншоотлар қад кўтармоқда.

“101”

ҲУШЁР БЎЛСАК ХАВФ ТУҒИЛМАЙДИ

Мана шундай шинам, чиройли масканлар борлиғига шўқронлар айтсанг арзийди, лекин биргина қилинган хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик оқибатида қулфат келишини бир ўйлаб қўринг-а?
Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиғи қондаларига амал қилсан, нанки бундай қўнглинос ҳодисаларнинг олдини олган, балки инсонлар ҳаётини сақлаб қолган бўлади. Қўнглинос ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқароларни ёнғин хавфсизлиғи қондаларига амал қилишларини сўраб қоламиз.

Ҳаёт НОЗИМОВ, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзидан муҳдис ив қолдириши барчага маълум.
Айни шу “тилсиз ёв” ҳужими сабабли йилгача қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кўнчилиқ эса саломатлиғидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидадан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биналарида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодиётга ҳам жиддий пурту етказди.

Ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатлар кўп учрайдиган куз-қиш мавсумида барча ҳамшаҳарларимизни эҳтиёткорликка қачириб қоламиз.

Азизжон КОДИРОВ, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кичини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Бугунги ўта шиддаткор замон ҳар соҳада, айниқса ёнғин хавфсизлиғи борасида ҳар биримиздан хушёрлик ва оғоҳлиқни талаб этади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бир оз бўлса ҳам хушёрлиқни унутсан катта талафотларга сабаб бўлиши мумкин.
Ёнғин бир лаҳзада кўп микдордаги бойликнинг қулини кўкка соуради. Ундан ажралиб қидилган тутун ва бошқа захарли газлар атмосферадан ифослантириб, на-фас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғин оқибатида инсонлар тан жароҳати олиши, ҳатто ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Бундай салбий оқибатлар барчамизни ёнғинга қарши курашишга, унинг олдини олишга ва албатта, хавфсизлик қондаларига риоя этишга унда

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Увайсий маҳалласида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Юнусобод тумани кенгаши томонидан маънавий-маърифий, спорт тадбири ташкил этилди.

ЮКСАЛИШ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда тумандаги Шоштепа, Юртубод, Бегубор, Меҳнатобод маҳаллалари фаоллари, ёшлари иштирок этди.

Тадбирда аҳоли, айниқса, ёшларга ватанпарварлик руҳини чуқурроқ сингдириш, уларни турли ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, маҳаллаларда тиббий ва жисмоний маданиятни ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида китоблар ярмаркаси, маҳаллада истиқомат қилаётган хунармандлар маҳсулотлари кўргазмаси, туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкилланган.

Шунингдек, тадбирда маҳалла ёшлари мусиқа, рассомлик, адабиёт, футбол, шахмат-шашка, стол теннис ва китобхонлик йўналишларида ўзаро беллашди. Мусобақада иштирок этган маҳалла ёшлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Юнусобод тумани кенгаши ҳамда ҳомийлар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Увайсий маҳалласи ёшлари, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга байрамона шукуҳ бағишлади.

Гулноза БОБОЕВА

АНАТОЛИЙ ФЁДОРОВИЧ КРЫСИН ХОТИРАСИ

А.Ф.Крысин вафот этганига бир ҳафта бўлди. У Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси лавозимида ишлаб, пойтахтимиз ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган.



Анатолий Фёдорович 6-қурилиш трестида ишлади, "КОИНКО Корпорейшн" қўшма корхонасининг қурилиш бўйича директори, Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, "Тошкент консалтинг" тендерларни ўтказиш марказининг директори, Тошкент шаҳар "Компрессор заводи" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари сифатида фаолият юритди.

Мақсуд Абдуллаевич Раҳимов уни шундай хотирлайди: "Биз Анатолий Фёдорович билан 1996 йилда танишганмиз. У Олмазор (у пайтда Собир Раҳимов) туман ҳокимининг ўринбосари, мен эса Миробод туман ҳокимининг ўринбосари вазифасида ишлардим ва биз турли масалалар бўйича тез-тез қўришиб турардик. Мен Анатолий Фёдоровичдан ёшроқман ва ундан кўп нарсани ўргандим, чунки у ўша пайтда ҳам катта иш тажрибасига эга эди. Мустақилликдан олдин у Собир Раҳимов туман партия кўмитасининг иккинчи котиби лавозимида ишлаган. Таъкидлаш лозимки, у жуда ҳам тарбияли ва одобли инсон эди, унинг баланд овозда гапирганини умуман эшитмаганман. У ҳар доим меҳмондўст ва очиққўнғил бўлган, кимдир кирса ўрнидан туриб кутиб олиб, албатта кузатиб қўярди. Ишга тегишли масалаларда жуда масъулиятли, топ-

ширик берган одамларига нисбатан талабчан бўлган.

Яна бир муҳим хислати, у жуда саҳий бўлган ва унга мурожаат қилган барчага ёрдам берган. Унинг қўлидан келса, муаммоларни ҳал қилиш йўлида барча тўсиқларни бартараф этган. У билан мулоқот қилган кўп инсонлар Анатолий Фёдоровичнинг бу хислати учун жуда миннатдорлар.

Таъкидлаш жоизки, у жудда содда ва камтарин инсон бўлган, халқдан ажралмас, ўз лавозимидан шахсий манфаатларида фойдаланмас эди.

2002 йилдан бошлаб А.Ф.Крысин Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси вазифасида ишлаб келган. Ушбу лавозимда у Рустам Шоабдурахмонов, Абдуқаҳҳор Тўхтаев, Раҳмонбек Усмонов ва Жаҳонгир Ортиққўжаев билан ҳамкорлик қилган. Улардан ҳар бири билан ишлар экан, Анатолий Фёдорович жамоанинг ҳурмат ва эъзозидан бўлган. Ўз билим ва тажрибаси билан ёш ходимлар малакасининг ошишига катта ҳисса қўшган.

Рустам Жавдатович Қурбанов: "Биз олтинчи қурилиш трестида собиқ иттифоқ пайтида бирга ишлаганмиз. Анатолий Фёдорович трестнинг комсомол (ёшлар) ташкилотининг раиси бўлган, кейин уни комсомолнинг вилоят кўмитасига

ўтказишди, мен эса унинг ўрнига сайландим. Бундан кейин у туман ижроия кўмитасининг раиси ўринбосари бўлиб ишлади. Биз кўп мулоқотда бўлардик, нафақат иш бўйича, балки турмуш ўртоқларимиз ва фарзандларимиз ҳам ўзаро дўстлашган эди. "Толерантлик" номли замонавий сўз бор, лекин биз буни чиройлироқ "бағрикенглик" деймиз. Айнан бағрикенглик Анатолий Фёдорович учун энг аниқ таъриф бўла олади, у олий даражадаги бағрикенглик инсон бўлган. Ундан хафа бўлган биронта инсон топилмайди, у ҳар бир инсонни тушунар, қўлидан келганча ёрдам беради".

Анатолий Фёдоровичнинг қилган ишлари, маслаҳат ва режалари шахримизнинг янги турар-жойи даҳалари, истироҳат боғлари ва шох кўчаларидан ўчиб кетмайди. Уни таниган тошкентликлар хотирасида умрбод қолади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги



ДОНИШМАНЛАР ХАЗИНАСИДАН

Инсон зийнати – ақл, ақл зийнати эса хотиржамлик, хотиржамликнинг кўрки жасорат, жасурликнинг кўрки ҳалимлик.

Аваламбор бирон ишнинг бошини ушлама, ушладингми, охирига етказ. Бу донолик белгисидир.

Озининг қадрига етмоқ ҳақиқий доноликдир.

Ўз насиҳатига амал қилмаган доно нодондан қолишмайди.

Донолар вақтни илм билан шеърга сарфлашса, нодон уйку ва жанжалга сарфлайди.

Доно қўлдан кетган, ўтган ва йўқотган нарсаларга қуйинмайди.

Ўтни сув билан ўчирадилар, қуёшдан соябон билан сақланадилар, касалдан дори билан қутилдилар. Ҳамма нарсага даво бор-у, нодонлик бедаводир.

Сабабсиз тортишмоқ нодонлик белгисидир.

Минг бефойда сўздан, бир ҳикмат афзал.

Дўстингга қарз берма ва қарз олма. Зероки, қарз дўстлик иplarини қирқадиган қайчидир.

Агар заифлар бирлашса, кучлилар уларни енга олмайди, бақамти, ёнма-ён ўсган буталарга бўрон писанд эмас.

Самимий, юмшоқ одам ҳамма нарсадан устун келади.

Ўзини енгган одамгина душман устидан ғалаба қилади.

Ўзини қўлга ололмаган, қандай қилиб ўзгани енга олади.

Бугунги ишни эртага қўймоқ нодонликдир.

Ўзингга номуносиб ишни ўзгага ҳам раво қўрма.

Бу оламда яхшилик зое кетмайди

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

РЕЖАСИ ИШ БЕРМАДИ

Божхона ходимлари ташқи иқтисодий фаолият йўналишидаги боғжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши, товарларнинг қилини ўзгартириб, боғжона тўловларини тўлашдан бўйин товлash ҳолатларининг олдини олиш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб келишмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан хориждан пойтахтимиздаги корхоналарнинг бирини номига келган "Дастгоҳ" товари юклари боғжона кўригидан ўтказилди.

Текширув давомида юклар орасида ҳужжатларда кўрсатилмаган умумий қиймати 66,7 миллион сўмлик 4,7 тонна "Полиэтилен гранулялари" товари борлиги аниқланди.

Яна бир ҳолатда "Сергели" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан хориждан темир йўл контейнерида яна бир корхона номига келган товарлар назоратдан ўтказилди.

Текширув вақтида аниқланишича, контейнерда ҳужжатларда кўрсатилган товарлардан ортиқча бўлган жами 10,2 тонна оғирликдаги "металл про-

филлар, компакт ламинат" товарлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, "Чуқурсой" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан иккита корхона номига хориждан темир йўл контейнерларида келган юкларни боғжона кўригидан ўтказиш давомида боғжона юк декларациясида ҳамда юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча бўлган умумий қиймати 40,5 миллион сўмлик 3 донна "уч гилдираклик моторава" ва бошқа маҳсулотлар борлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш яна икки ҳолатда "Арк булоқ" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан корхоналар номига келган товарлар боғжона кўригидан ўтказиш натижасида тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча бўлган жами оғирлиги салкам 200 кг. ни ташкил этган 60 донна "Муфта" ва 1920 жуфт "оёқ кийимлар" товарлари борлиги фош этилди ва умумий қиймати 158,8 млн. сўмни ташкил этган товарлар вақтинча сақловга олинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан боғжона текширувлари давом эттирилмоқда.

ТЎЛОВЛАР УНДИРИЛДИ

Мамлакатимизга кириб келаётган товарлар ҳақидаги маълумотлар ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодларини ўзгартириш билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларига қарши боғжоначилар томонидан самарали кураш олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси "Арк-булоқ" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан пойтахтимизда фаолият юритувчи масъулият чекланган жамият номига келган ва "Эркин муомалага чиқариш" боғжона режимида расмийлаштиришга тақдим этилган ускуналар боғжона назоратидан ўтказилди.

Боғжона кўриги давомида тақдим этилган ҳужжатларга қўра, "Автоматик арра" ускунаси 2019 йилда ишлаб чиқарилган деб қайд этилганлиги, аслида эса ускуна ёрликларидеги ёзувга қўра, у 2008 йилда ишлаб чиқарилганлиги ҳамда мазкур товар

муқаддам фойдаланилганлиги фош этилди.

Натижада 31,9 миллион сўм боғжона тўловлари ундирилди.

Яна бир ҳолатда мазкур боғжона пости ходимларига декларацияловчи шахс М.А. томонидан тақдим этилган боғжона юк декларациясида "Гидроксистерин кислотаси" товарининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси текширилганида, ушбу шахс қонун бўйича тақдим этилган боғжона расмийлаштирувга тақдим этганлиги аниқланди.

Бунинг натижасида давлат бюджетига қўшимча 30,3 миллион сўм боғжона тўловлари ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан тўртта ҳолатда декларацияловчи шахслар Э.У., Ж.З., К.Б. ва Х.Ж. тақдим этган боғжона юк декларацияларида товарларнинг

ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси қилини нотўғри таснифлаб боғжона расмийлаштирувга тақдим этганлиги маълум бўлди.

Аниқланган қонунбузилиши ҳолати натижасида давлат бюджетига салкам 83 миллион сўм боғжона тўловлари ундирилмай қолишининг олди олинди.

Шунга ўхшаш ҳолатларда "Чуқурсой" ташқи иқтисодий фаолият боғжона пости ходимлари томонидан декларацияловчи шахслар Д.И., А.Ш. ва У.Ш.ларнинг товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси қилини нотўғри кўрсатиш натижасида давлат бюджетига қўшимча 81,5 миллион сўм боғжона тўловларининг ундирилиши кераклиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан боғжона текширувлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси Ахборот хизмати

ҲАР ИШДА МАСЪУЛЛИК МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Ёнгин хавфсизлиги институтида "Ёнгинлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш муаммолари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад республикамизда содир бўлаётган ёнгинлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш, ечим топиш ҳамда ёнгинлар билан боғлиқ жиноятларни аниқлашда давлат ёнгин назорати органларининг ички ишлар органларидаги суруштирув ва тергов хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Давра суҳбатини Ёнгин хавфсизлиги институти "Қасбий бошқарув ва ҳуқуқ" кафедраси бошлиғи, полковник Кенес Тултеев очиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 38-моддасининг 5-қисмига асосан, давлат ёнгин назорати органлари – ёнгинларга доир ва ёнгинга қарши қоидаларни бузганлик ишлари бўйича суриштирув органлари ҳисобланишини таъкидлади. Давлат ёнгин назорати органларида ҳар бир содир бўлган ёнгин бўйича муфассал терговга қадар текширув ишлари олиб борилиши, унинг асосий мақсади ёнгин чиқиш сабаби, айбдор шахслар ва жинойий ҳаракатни бор-йўқлигини аниқлашдан иборатлиги қайд этилди. Терговга қадар текширувни ўтказишнинг ихтисослашган давлат ёнгин назорати органи ходими ёнгин сабаби ва шариотини ўрганиб, агарда жиноят аломатлари мавжуд бўлган тақдирда материалларни тегишли тергов органига юбориши, бу ҳолатда албатта ходим жиноят-процессуал қонунчилигига қатъий амал қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар ёнгинлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш муаммолари, ёнгинлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш тактикаси, ўт қўйиш орқали мулкни қасдан нобуд қилиш билан боғлиқ ёнгинлар тадқиқоти ҳамда ёнгин билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда иш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда суд ёнгин-техникавий, судга оид кимёвий, суд қурилиш-техникавий, суд-товаршунослик, портлаш техникаси экспертизалари, шунингдек, иш ҳолатидан келиб чиқиб, бошқа турдаги экспертизалар тайинланиши борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар саволларига жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ва эълонлар

Чилонзор тиббиёт коллежи томонидан Расулова Комола Шухрат кизи номига 2011 йилда берилган К № 2233296 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Оқшом

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1386 нусхада босилди. Қўғоз ёнғичи А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г. 1046

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.00